

Шошилинг, маррага оз қолди!



23:13 / 18.04.2023 1341

Кеча Республикамизнинг барча масжидларида хатм Қуръонлар тугади. ...

Лекин таровеҳлар давом этипти. ...

Рамазон давом этипти. ...

Қиёмул-лайллар давом этипти.

Хатм тугаши билан бўшашиб қолмайлик. ...

МАРРАГА ОЗ ҚОЛДИ, ШОШИЛИНГ!

Югуриш мусобақаларида марра кўриниши биланоқ спортчилар жон-жаҳди билан чопа бошлайди. Футбол ёки баскетбол ўйинларида ҳам бирор натижа кўрсатиш илинжида, айниқса, охириги дақиқаларда ўйинчилар шиддат билан ўйнашади. Мақсад, ё ҳисобни ошириб олиш, ҳеч бўмаганда ҳисобни сақлаб қолиш бўлади.

Отлар ҳам мусобақада маррага яқин қолганида ғолиб бўлиш учун бор кучи билан чопишади. Биз инсонлар отлардан кўра зийрак бўлишимиз керак. Чунки биз абадий саодат учун мусобақалашаямиз.

Албатта, охириги амаллар ўта аҳамиятли ва эътиборли ҳисобланади. Натижа ишларнинг бошланиши эмас, айнан ниҳояси билан юзага чиқади. Рамазоннинг аввалида ибодатларга ҳимматимиз баланд бўлади. Лекин Рамазон ўтиб борар экан, ибодатларда сустлашиб борамиз.

Айниқса, рамазоннинг аксари ўтиб, масжидларда хатмлар тугар экан, жамоат ҳам камайиб кетади. Ҳатто хатмни тугатгач, рамазоннинг қолган кунларида ифторликларда бемалол ўтириб, масжидга бормаи ҳам қўяверамиз. Бу ишимиз нотўғридир. Хатм тугади дегани рамазон тугади дегани эмас.

Рамазон ойининг энг афзал кечалари охирги ўн кунларининг кечаларидир. Демак, маррага оз қолди. Агар нафсингиз бу кечаларда бўшашиб, дангасаликка йўл қўядиган бўлса, сиз унга: “Эй нафсим! балки бу Рамазон сен учун охирги рамазондир”, деб айтинг!
“Мусобақа қилувчилар мана шу (неъматлар) йўлида мусобақа қилсинлар!”
(Мутоффийн сураси, 26-оят)

Рамазонни яхши кутиб ололмаган бўлсак, яхши меҳмон қилолмаган бўлсак, ҳеч бўлмаса, яхши кузатиб қўяйлик.

Қудратуллоҳ Сидиқметов